

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ,  
СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ**

**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм  
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида  
2023-2025 йилларга мўлжалланган Тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилдаги  
ижроси ва 2026-2028 йиллар учун тармоқ жамоа келишувини тузиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026-2028 йиллар учун тузилган Бош жамоа келишуви асосида, тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларнинг тўлиқ фаолият кўрсатиши, соҳа ходимларининг юқори ижтимоий-иқтисодий, моддий фаровонлиги ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларига риоя қилиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарор қилади:

1. Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилдаги ижроси бўйича ахборот маълумот учун қабул қилинсин. (3-илова)

2. Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2026-2028 йиллар учун тузилган Тармоқ жамоа келишуви лойиҳаси бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Эксперт комиссиясининг 58/26 - сонли Эксперт хулосаси инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2026 - 2028 йиллар учун тузилган тармоқ жамоа келишуви 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 48 - моддаси ҳамда “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 49- моддасига асосан, республика даражасида тузиладиган ижтимоий - меҳнат масалалари бўйича комиссия таркиби 2-иловага, мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тармоқ жамоа келишуви бўйича музокаралар олиб бориш ҳамда назоратини амалга ошириш функциясини инобатга олган ҳолда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия зиммасига:

- ташкилот ва муассасаларда тармоқ жамоа келишуви билан жамоа шартномаларнинг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг ижросини таъминланиши масалаларини ҳамкорликда йил давомида ўрганиб бориш ва қатъий назоратга олиш;

- жамоа шартномаларининг экспертизаси сифатини ошириш юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;

- ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни вазирлик ва Республика Кенгаши веб сайтлари ҳамда ОАВда ёритиб бориш вазифалари юклатилсин.


5. Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳудудий бошқарув органлари, тасарруфидаги ташкилотлар ва таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда Республика Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бирлашган қўмитаси раисларига:

- худудий жамоа келишувларини янги муддатга тузишни 2026 йил 1 апрелига қадар ҳамда барча ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг 2025 йилда бажарилишини муҳокамасига бағишланган йиғилишларни 2026 йилнинг 1 апрелига қадар юқори савияда ташкил қилиш ва бунда иш берувчиларнинг масъулиятини янада ошириш;  
- иш берувчилар томонидан ташкилот ва муассасаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раисларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамизга оламиз.

Ўзбекистон Бадий  
Академияси раиси

А.Нуриддинов



Тошкент ш.,

2026 йил "18" март,

01 -сон

Ўзбекистон маданият, спорт ва  
туризм ходимлари касаба уюшмаси

Республика Кенгаши раиси

А.Мусаев












Тошкент ш.,

2026 йил "18" март,

2-144 сч -сон

**Ўзбекистон Бадний академияси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм  
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2026-2028 йиллар учун  
тузилган Тармоқ жамоа келишувининг  
бажарилишини назорат қилувчи комиссия  
ТАРКИБИ**

(2-илова)

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
1.	Туйчиева Ася	Халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлим бошлиғи	
2.	Ахмедова Одинахон Азизовна	Республика Кенгаши раиси ўринбосари	
3.	Абраев Тўлқин	Молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи	
4.	Халиков Умид Ганиевич	Республика Кенгаши Ижтимоий ҳимоя бўйича бош мутахассиси	
5.	Гаипов Гапир	Бош юрисконсулт	
6.	Гайназаров Арипжан Абдуллаевич	Республика Кенгаши бош юрисконсулти	
7.	Раупова Зебо	Инсон ресурсларини ривожлантириш бўлими бошлиғи	
8.	Умаров Алижон Акромжонович	Республика Кенгаши Меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси	
9.	Фазилова Гулчехра	Иш юритиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи	
10.	Арипов Жамшид Турсунбоевич	Республика Кенгаши Ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси	